

**Аллаярова Солиҳа Нарзуллоевна,**  
Ўзбекистон Миллий университети 13.00.01 –  
Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар  
тарихи ихтисослиги 2-курс докторанти (DSc),  
фалсафа фанлари номзоди, доцент

## ТАЛАБАЛАРНИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

УЎК: 37.046.14:37.046.16:371/378

---

### **АЛЛАЯРОВА С.Н. ТАЛАБАЛАРНИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ**

Мақолада талабаларнинг тадқиқотчилик кўникмаларига эга бўлиши давр талаби эканлиги асосланган. Илмий тадқиқот фаолиятининг самарадорлиги ўқув жараёнининг ташкил этилишига боғлиқлиги ўрганилган. Мавзу доирасида ўтказилган тадқиқот натижалари таҳлил қилинган. Аниқланган муаммоларни бартараф этишга оид таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: талаба, илмий тадқиқот, таълим, тадқиқотчилик кўникмаси, малака, аралаш таълим.

---

### **АЛЛАЯРОВА С.Н. АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПРИВЛЕЧЕНИЯ СТУДЕНТОВ К НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМУ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

В статье обоснована необходимость овладения исследовательскими навыками студента как важное требование современности. Также изучена зависимость эффективности исследовательской деятельности от организации учебного процесса. Проанализированы результаты исследования. Разработаны рекомендации по устранению выявленных проблем.

Ключевые слова и понятия: студент, научное исследование, образование, исследовательская способность, навыки, смешанное обучение.

---

### **ALLAYAROVA S.N. ACTUAL PROBLEMS INVOLVING STUDENTS IN RESEARCH ACTIVITIES**

In the article is substantiated the necessity of students' acquiring research skills as requirements of a modernity. Also, there is studied the dependens of research activities from the effectiveness of the educational process organization. The research results are analyzed. Recommendations for eliminating the identified problems have been developed.

Key words and concepts: student, research, education, research ability, skills, blended learning.

**Кириш.**

**Мавзунинг долзарблиги.** Олий таълимни 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясида бўлажак мутахассисларнинг ўз йўналишларида тадқиқотчилик кўникма ва малакаларга эга бўлиши олий таълимни ривожлантиришнинг стратегик вазифалари қаторида келтирилган<sup>1</sup>. Илмий тадқиқот билан шуғулланишнинг асосида шахсда шаклланган тадқиқотчилик қобилияти туради. Тадқиқотчилик қобилиятининг дастлабки сифатлари мутахассиснинг соҳага оид муаммоларни аниқлай олиши, керакли маълумотларни қидириб топиши, топилган маълумотларни қайта ишлаши, танқид ва таҳлил қилиш асосида муаммони ҳал этишга ижодий ёндаша олиши кабиларда намоён бўлади<sup>2</sup>. Олиб борилган тадқиқотлар олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўз йўналиш ва мутахассисликлари бўйича нуфузли ташкилотларда ишлаб кетишлари кўп жиҳатдан уларнинг профессионал малакалари билан боғлиқ эканлигини тасдиқлайди.

Шу боис, биз олий таълим ўқув жараёнида талабаларни илмий тадқиқот фаолиятига йўналтиришда самарали натижалар берувчи омилларни аниқлашни **мақсад** қилиб қўйдик.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди:

- илмий тадқиқотнинг афзалликларини аниқлаш (талаба нима учун илмий тадқиқот билан шуғулланиши керак?);
- ўқув жараёни ташкилий жиҳатларининг талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини ривожланишига таъсир кўрсатишини асослаш;
- илмий-тадқиқот билан шуғулланишга ижобий ва салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш.

**Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотчи-талабаларнинг шаклланиши орқали юқори малакали кадрларнинг етишиб чиқишини эътиборга оладиган бўлсак, мақолада ўрганилган ва илгари сурилган фикрлардан таълим соҳасида изланиш олиб борувчилар илмий-методик манба сифатида фойдаланишлари мумкин.

<sup>1</sup> «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизими 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон қарори. - <https://lex.uz/docs/4545884>

<sup>2</sup> [https://www.researchgate.net/publication/347928978\\_TA'LIM\\_FAN\\_VA\\_INNOVATSIYA](https://www.researchgate.net/publication/347928978_TA'LIM_FAN_VA_INNOVATSIYA) Аллаярлова С. Талабаларнинг илмий тадқиқот фаолиятига таъсир этувчи омиллар. Таълим, фан ва инновация. 2020 йил №4сон, -11-15 б. [accessed Mar 14 2021].

**Методлар.** Илмий тадқиқот олиб боришнинг самарали механизмларини аниқлашда мавзуга оид манбалар контент таҳлил асосида ўрганилди. Мавзу доирасида танлаб олинган ОТМлар бакалаврият ва магистратура талабалари орасида ўтказилган сўров натижалари таҳлил қилинди (сўровнома билан <https://forms.gle/bjYAFWDjXDEJ7WjC8> линки орқали батафсил танишиш мумкин).

**Илмий муаммони қўйилиши.** Талабаларни илмий тадқиқотга йўналтиришнинг самарали ёндашувларини аниқлаш борасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Республикамизда бу мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг аксарияти педагогика ва фалсафа ихтисосликларига тегишли эканлигини таъкидлаб ўтиш ўринли. Жумладан, талаба ёшларни илмий фаолиятида амалий кўникмаларни шакллантириш методологиясига оид тадқиқотлар “Илмий тадқиқот методологияси” фани доирасида Н.А.Шермухамедова, М.Н.Абдуллаева, А.А.Азизкулов, З.Давронов, Б.Қодиров, И.Саифназаров, Г.В.Никитченко, Б.У.Қосимовлар томонидан нашр қилинган ўқув-илмий адабиётларда ўз аксини топган. Ўқув жараёнида педагогик технологиялар воситасида талабалар қобилиятларини илмий фаолиятга йўналтириш бўйича Р.Джураев, Р.Ишмухамедов, Д.Эргашев, Р.Мавлонова, Б.С.Абдуллаева, Ш.Абдуллаева, Х.Худайқулов, Г.Фузаилова, Ю.Асадов, Д.Махмудова, З.Ахророва, М.Усмонбоева кабилар тадқиқотлар олиб борган.

Талабаларни илмий фаолиятга жалб қилишнинг самарали ёндашувлари доирасида МДХ олимларидан Б.И.Пружинин, О.И.Логашенко, А.М.Новиков, Б.В.Петрушин; талабаларнинг психологик хусусиятлари – қобилият ва қизиқишларига кўра илмий фаолиятга йўналтириш бўйича Т.Л.Шапошникова, Л.И.Ломакина, В.В.Белова, Г.Н.Прозументова; илмий фаолиятнинг амалий кўникмаларини шакллантиришга оид Л.Д.Столяренко, В.Н.Михелькевич, Н.В.Кузьмина, Е.М.Моголюк, Е.Е.Пашохонова; ўқув жараёнида илфोर педагогик технологиялар ва ўқитишнинг замонавий шакллари доирасида В.А.Сластенин, Н.А.Соловьева кабилар тадқиқотлар олиб борган.

Хорижий олимлардан V.Lamanauskas, Dalia Augienė, M.Healey, F.Caena, D.Nezvalova, S.Aaron, E.Abeyta, J.Accuosti, V.Afshar, L.Baer, J. McCormick, E.Barbera, B.Gros, L.Ivanitskaya, L.Boyes, I.Reid, K.Brain, J.Wilson, D.Brewer ва бошқаларнинг тадқиқотларида талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва қобилиятларни юзага чиқарувчи

педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш масалалари ўрганилган.

Биз талабаларни илмий тадқиқотга йўналтиришнинг самарали ёндашувларини аниқлашда юқорида келтирилган олимлардан Р.Джураев<sup>1</sup>, Н.Шермухамедова<sup>2</sup>, Б.И.Пружинин<sup>3</sup>, V.Lamanauskas, Dalia Augienė<sup>4</sup> кабиларнинг изланишларига таяндик. Муаллифларнинг мавзуга оид илмий ишларида тадқиқотчилик кўникмаларининг намоён бўлиши, узлуксиз таълим (lifelong learning) натижадорлигининг тадқиқотчилик малакаси билан тақозоланганлиги, олий таълимда талабаларни илмий фаолиятга йўналтиришдаги мотивацион жиҳатлар мақоламизнинг методологик асосини ташкил қилади.

Талабаларни илмий тадқиқотга йўналтиришнинг долзарб масалаларини ўрганиш республикамизда олиб борилаётган таълим соҳасидаги тадқиқотларнинг назарий, эмпирик базасини бойитади. Олий таълим сифати ва самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларнинг аниқланиши истиқболда соҳани ривожлантиришга хизмат қилади.

### Асосий қисм.

**Талабаларнинг илмий тадқиқот билан шуғулланишидаги афзалликлар.** Ушбу масалани ёритишдан аввал қисқача “илмий тадқиқот” тушунчаси мазмунига тўхталиб ўтсак. Манбаларда қайд этилган айрим таърифларни келтирадиган бўлсак, “Илмий тадқиқот – янги билимлар ва назарияларни аниқлаш жараёни”<sup>5</sup>, “Ҳар қандай илмий тадқиқот бу – билишнинг махсус ташкил қилинган жараёни бўлиб, унда воқелик ҳақидаги назарий билимлар ўрганилади, ўзлаштирилади

ва тизимга солинади”<sup>6</sup>. Яъни, илмий тадқиқот бу – янги билимларни қидириш, далилларга асосланган ҳолда мақсад сари тизимли изланишлар олиб боришдир. Бирмунча торроқ маънода тадқиқот бу – натижаси илмий иш билан якунланадиган нарса ва ҳодисаларни ўрганувчи илмий усул ёки жараёндир.

Умуман олганда, илмий тадқиқот – жамиятни барқарор ривожлантирувчи муҳим стратегик ҳодиса бўлиб, у айнан узлуксиз таълимнинг олий таълим босқичида комплекс тарзда шаклланиди ва ривожланади. Олий таълимда таҳсил олиш жараёнида ҳар бир талаба фанларни ўзлаштириш орқали илмий тадқиқотнинг муайян шаклларини бажаради. Жумладан, реферат, мустақил иш, курс иши, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияларини тайёрлаш ўзига яраша тадқиқот олиб боришни талаб этади. Санаб ўтилган илмий-ижодий ишлар бевосита ўқув жараёни билан боғлиқ бўлганлиги боис, эркин илмий тадқиқот ҳисобланмайди. Илмий ижодкорлик қобилиятига эга талабалар ўқув жараёнидаги ушбу вазифаларни бажариш давомида берилган тадқиқот ишлари (реферат, курс иши, БМИ, МД ва ҳоказо) ни ҳақиқий ижодий жараёнга айлантира олиши билан тадқиқотчилик кўникмаларини намоён қиладилар. Бу эса, эркин ижодий тадқиқотнинг дастлабки кўринишлари – илмий мақола ва тезисларнинг яратилишига сабаб бўлади.

Муаллифнинг илмий изланишлари натижасида тадқиқотчилик кўникмалари талабаларнинг қуйидаги сифатларида намоён бўлиши аниқланди:

- мутахассислик бўйича чуқур билим;
- танқидий ва таҳлилий фикрлаш (воқеа-ҳодисалар моҳиятини сабаб ва оқибат диалектикаси асосида тушуниш);
- ностандарт, креатив мулоҳаза юритиш;
- соҳага оид муаммо ва муаммоли вазиятларни англаш;
- амалий муаммолардан илмий муаммоларни шакллантириш;
- керакли манбаларни қидириб топиш;
- топилган манбаларни қайта ишлаш;
- ўзлаштирилган билимни янгича тақдим эта олиш;
- илмий тадқиқот олиб боришдан мақсадга эга бўлиш;
- масъулият ва меҳнатсеварлик;
- тартиблилик, вақтдан унумли фойдаланиш;

<sup>1</sup> Джураев Р. Формирование умений исследовательской деятельности у будущих магистров // Гармонично развитое поколение – условие стабильного развития Республики Узбекистан/ Сборник научно-методических статей. УзНИИПН. 2017. Часть 17.

<sup>2</sup> Shermuhamedova, N. (2008, January). Научный поиск как творческий процесс. In *Proceedings of the XXII World Congress of Philosophy* (Vol. 53, pp. 367-375).

<sup>3</sup> Пружинин Б.И. Прогностические функции педагогического исследования: философско-методологический анализ // Вопросы философии. 2018. № 6. [http://vphil.ru/index.php?option=com\\_content&task=view&id=1975](http://vphil.ru/index.php?option=com_content&task=view&id=1975)

<sup>4</sup> Lamanauskas, V. (2012). Development of scientific research activity as the basic component of science education. *Journal of Baltic Science Education*, 11 (3), 200-202.; Vincentas Lamanauskas and Dalia Augienė / *Procedia - Social and Behavioral Sciences* 167 ( 2015 ) 131 – 140.

<sup>5</sup> Педагогик атамалар луғати. – Т.: Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИ, 2017. –Б.26

<sup>6</sup> Педагогическое исследование: содержание и представление результатов / Е.В. Яковлев, Н.О. Яковлева. – Челябинск.: Изд-во РБИУ, 2010. – С.5.

– мақсадга эришишда қатъиятлилик ва ҳоказо.

Талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари уларни юзага келаётган назарий ва амалий муаммоларни оқилона ва самарали ҳал эта оладиган ижодкор шахслар сифатида шакллантиришга хизмат қилади. Бўлажак мутахассисларда тадқиқотчилик кўникмаларининг бўлиши – юқори малакали кадрларга қўйиладиган энг муҳим талаблардан бири эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Чунки, бирор бир соҳада тадқиқотчи кадрлар фаолият юритмас экан, бу соҳада янгиликлар, ривожланишлар, самардорлик кўрсаткичлари ҳақида гап бўлиши мумкин эмас<sup>1</sup>. Шу боисдан ҳам талабаларнинг илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланишлари муҳим аҳамиятга эга.

Фиркимизча, олий таълим ўқув жараёнида талабаларни илмий-тадқиқот фаолиятига жалб этишдан кўзланган мақсадлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- назарий билимларни амалиётда қўллаш билан боғлиқ кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- соҳага оид муаммоларга илмий ечим топиш орқали касбий салоҳиятни ривожлантириш;
- илмий изланиш, тадқиқотлар олиб бориш натижасида илмий ижодкорлик муҳитини яратиш;
- жамиятнинг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш;
- фан тармоқлари бўйича жаҳоннинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва ўзлаштирилиши, яратилиши асосида мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий турмуш тарзи, барқарор ривожланиши учун пойдевор яратиш ва ҳоказо.

Таъкидлаш лозимки, тадқиқотчилик малакалари ўз-ўзидан ривожланмайди, қобилият ва имкониятларни юзага чиқариш учун олий таълимда мақсадга мувофиқ ўқув жараёни ташкил қилинган бўлиши лозим. Қуйида шу ҳақда тўхталамиз.

**Ўқув жараёни ташкилий жиҳатларининг талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини ривожланишига таъсири.** Ўқув жараёнининг ташкил этилиши тадқиқотчилик малакаларини ривожлантиришга, уларни намоён этишга таъсир этувчи бирламчи омиллардан эканлигини доим эътиборга тутиш лозим. Тўғри ташкил қилинган ўқув жараёнининг ҳар бир машғулотида талабаларнинг илмий фаолият билан шуғулланишга оид малака ва кўникмаларини ривожлантириш мумкин.

<sup>1</sup> Healey, M. (2005). Linking research and teaching to benefit student learning. *Journal of Geography in Higher Education*, 29 (2), 183-201.

Бундай натижага эришишнинг қатор усул ва воситалари мавжуд. Улардан олий таълим ўқув жараёнини ташкил этиш шакллариининг илмий тадқиқот фаолиятига таъсирига эътибор қаратамиз.

Агар илмий тадқиқот – талабаларни тегишли фан соҳаси доирасида маълумотлар йиғиш, уларни таснифлаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва шу асосда мустақил фикрларини изчил илмий далиллаш ҳамда тақдим эта олиши билан боғлиқ бўлса, ўқув жараёнида илмий фаолиятга оид кўникмаларни шакллантириш яхлит педагогик жараёни лойиҳалаш орқали амалга ошади. Педагогик жараёни лойиҳалаш таълим технологияси лойиҳасини тайёрлаш ва уни амалга ошириш таркибига киради. Яъни, ўқитувчи-педагог танланган фан мазмуни ва йўналиш давлат таълим стандарти (мутахассисликлар бўйича малака талаблари)га таяниб семестр (модул) давомида фанни ўқитиш лойиҳасини ишлаб чиқади. Маъруза, амалий ва семинар машғулотларини ташкил этишда билим, малака ва кўникмаларни ривожлантиришга қараб мўлжал олинадиган; ижодкорлик (креатив ва ностандарт фикрлаш), педагогик ва профессионал импровизация, танқидий-эвристик муносабат ва бошқа сифатларнинг шакллантирилиши, рағбатлантирилиши эътиборга олиниши муҳим.

*Ўқув жараёнини ташкил этиш шакли* – ўқитувчи ва талаба ўртасидаги билим олиш, ўрганиш, ўз-ўзини бошқариш ва ривожлантиришнинг вақт ва макон, талабалар сони, ўқитишнинг мақсади ва мазмуни, метод ва воситалари, натижаларига боғлиқ бўлган яхлит тизим хусусиятидир. Улар учта катта гуруҳга бўлинади:

- таълимни ташкил этишнинг **умумий** шакллари;
- таълимни ташкил этишнинг **ташқи** шакллари;
- таълимни ташкил этишнинг **ички** шакллари<sup>2</sup>.

Таълимни ташкил этишнинг уччала шакллари доим бир-бири билан боғлиқ бўлиб, бирининг сифати иккинчисига таъсир кўрсатади.

Таълим олишни ташкил этишнинг умумий шакллари дидактик мазмунга эга ҳар қандай коммуникатив алоқаларни ўз ичига олади. У қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

- индивидуал таълим олиш;
- жуфт бўлиб ўқиш;

<sup>2</sup> Андреев В.И. Педагогика высшей школы. Инновационно прогностический курс. [https://kpfu.ru/docs/F652026679/Andreev.V.I..Pedagogika.VSh.\\_redaktorskaya.versiya\\_.pdf](https://kpfu.ru/docs/F652026679/Andreev.V.I..Pedagogika.VSh._redaktorskaya.versiya_.pdf).- С.84.

- гуруҳ бўлиб ўқиш;
- фронтал таълим олиш<sup>1</sup>.

Таълим олиш шакллари пайдо бўлиши, ривожланиши узоқ тарихга эга. Қайсидир мутахассислик учун индивидуал таълим олиш шакли самарали бўлса, бошқа бир фан ёки мутахассисликни ўзлаштиришда фронтал таълим олиш орқали ҳам ижобий натижага эришиш мумкин. Энг муҳими – таълим субъектларининг аниқ мақсадга, соҳага оид илмий тадқиқот олиб боришнинг самарали воситаларини танлашда етарли билим ва кўникмага эгалигида намоён бўлади.

Таълим олишни ташкил этишнинг ташқи шакллари таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- маъруза, семинар;
- дидактик ўйинлар;
- лойиҳавий-ижодий фаолият;
- масофавий таълим;
- илмий семинар ва конференциялар;
- ўқитишнинг муаллифлик технологиялари ва бошқалар<sup>2</sup>.

Маълумки, ўқув жараёни таълим беришнинг турли кўринишларида олиб борилади. Улардан энг асосийлари ва умумийлари лекция (маъруза) ва семинар машғулотиридир. Ўз навбатида лекция ва семинар машғулотирининг ҳам ички мазмуни ва таркиби бир-биридан фарқ қилади. Юқорида келтирилган лойиҳавий-ижодий фаолият, мустақил иш, семинар ва конференциялар, дидактик ўйинлар мазмуни ва мақсади талабаларнинг тадқиқотчилик кўникма ва малакаларини ривожлантиришга қаратилганлигини таъкидлаш лозим.

Таълимни ташкил этишнинг ички кўринишлари ҳам ўқув жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Улар таркибига

- таништирув (кириш) машғулоти;
- билимларни тизимлаштириш ва умумлаштириш машғулоти;
- амалий машғулоти;
- билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш машғулоти;
- машғулотири ташкил қилишнинг аралаш шакли (blended learning)<sup>3</sup> ва ҳоказолар киради.

Таълимни ташкил этишнинг ички шакллари ўқитиш сифатини таъминловчи муҳим жараён деб аташ мумкин. Ўқув машғулотирининг юқоридаги кўринишлари дарс мазмунини оширади, ўқитувчи-педагог ва талабаларнинг ижодий имкониятларини намоён қилади.

Юқорида келтирилган таълим олишнинг ички шакллари орасида машғулотири ташкил қилишнинг аралаш шакли - blended learning республикамиз таълим тизими учун нисбатан янги воқелиқдир. Дунёнинг энг машҳур университетлари, ривожланган давлатларнинг аксарият олий таълим муассасаларида - blended learningдан анча йиллардан буён кенг фойдаланилади. Айниқса, пандемиядан кейин машғулотири аралаш тарзда ташкил этиш ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан фойдали эканлигини тасдиқлади.

Ушбу ўқитиш шаклига кўплаб таърифлар берилган. Улардан айримларини келтирамиз: "Blended learning – бу турли вақт кесимида (синхрон, асинхрон), матн, аудио ва видео каби ахборот коммуникация технологиялари воситаларини бирлаштирган ўқув моделидир"<sup>4</sup>. Яна бир муаллиф қуйидагича таъриф беради: "Blended learning ўзида юзма-юз ва онлайн (масофавий) таълим услубларини бирлаштиради ва ўқувчиларга ўргатиладиган маълумотирининг 30-80% ни маърузалар шаклида онлайн тарзда етказиб беради. Ўқув юкмасининг қолган фоизи таълим муассасасида юзма-юз ташкил қилинадиган амалий машғулотирида мустаҳкамланади. Шу сабабли ўқитишнинг ушбу шакли аралаш педагогик ёндашувлар мажмуи ёки дидактик усуллар аралашмаси деб ҳам аталади"<sup>5</sup>. Бир сўз билан айтганда, республикамизда карантин вақтида йўлга қўйилган масофавий таълимнинг айрим элементларини қўллаган ҳолда фронтал тарзда ташкил қилинадиган маърузаларни blended learning шаклида ташкил қилишни ўринли деб ҳисоблаймиз. Чунки ўқитувчи-педагогларда ҳам, ўқувчи-талабаларда ҳам маълум маънода онлайн таълим олиш кўникмалари шаклланди.

Умуман олганда, ўқув жараёнида тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришга таъсир этувчи

in IEEE Access, vol. 8, pp. 21473-21484, 2020, doi: 10.1109/ACCESS.2020.2966179.

<sup>4</sup> Ibrahim, M.M., Nat, M. Blended learning motivation model for instructors in higher education institutions. *Int J Educ Technol High Educ* 16, 12 (2019). <https://doi.org/10.1186/s41239-019-0145-2>

<sup>5</sup> Al-Busaidi, K. A. (2013). An empirical investigation is linking learners' applying of blended learning to their intention of full e-learning. *Behaviour & Information Technology*, 32(11), 1168–1176.

<sup>1</sup> Андреев В.И. Педагогика высшей школы. Инновационно прогностический курс. [https://kpfu.ru/docs/F652026679/Andreev.V.I..Pedagogika.VSh.\\_redaktorskaya.versiya\\_.pdf](https://kpfu.ru/docs/F652026679/Andreev.V.I..Pedagogika.VSh._redaktorskaya.versiya_.pdf). - С.87.

<sup>2</sup> Ўша манба. - С.88.

<sup>3</sup> V.Z. Vanduhe, M. Nat and H.F. Hasan, «Continuance Intentions to Use amification for Training in Higher Education: Integrating the Technology Acceptance Model (TAM), Social Motivation, and Task Technology Fit (TTF),»

**1-жадвал. Респондентларнинг “Сизга илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланиш ёқадими?” деган саволга жавоблари**

№	Жавоблар	Фоизда	Рақамда
1	Ҳа	72,8	350
2	Йўқ	5,6	27
3	Ҳар хил ҳолатда турлича	20,2	98
4	Жавоб бериш мушкул	1,2	5

**2-жадвал. Респондентларнинг “Илмий фаолият билан шуғулланиш билан” деган саволга жавоблари**

№	Жавоблар	Фоизда	Рақамда
1	Ҳа, шуғулланиш билан	26,3	127
2	Ҳа, шуғулланишни режалаштириш билан	58,1	280
3	Шуғулланмасам керак	7,1	34
4	Аниқ шуғулланмайман	2,5	12
5	Жавоб бериш мушкул	5,6	27

омиллар кўп. Биз улардан таълимни ташкил этилиши билан боғлиқ ҳолатларни ўрганиб чиқдик.

**Илмий-тадқиқот олиб бориш учун яратилган имкониятлар ва мавжуд муаммолар.** Талабаларни илмий тадқиқот билан шуғулланишларига бир қанча омиллар таъсир кўрсатишини назарий жиҳатдан кўриб чиқдик. Энди шу мавзу бўйича ўтказилган социологик сўров натижаларига эътибор қаратсак. Сўровда жами 480 нафар респондент иштирок этган<sup>1</sup>.

Сўровноманинг мақсади олий таълим муассасаларида талабаларнинг илмий тадқиқот фаолияти олиб боришлари учун мавжуд имкониятларни аниқлаш бўлиб, унда қуйидаги кўрсаткичларни аниқлашга эътибор қаратилган:

- ОТМда ташкил қилинган ўқув жараёнининг илмий тадқиқот олиб бориш талабларига мослиги;
- талабаларнинг илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланишга мойиллиги;
- маҳаллий ва халқаро илмий базалардан фойдаланиш даражаси;
- ОТМ ахборот-ресурс марказларининг тадқиқотлар олиб бориш талабига мос келиши;
- талабаларнинг илмий тадқиқот жараёнидаги устоз-шогирд (илмий раҳбар) муносабатларидан қониқиш даражаси ва бошқалар.

Қуйидаги айрим натижаларни келтириб ўтамиз. “Сизга илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланиш ёқадими?” деган саволга респондентларнинг 72,8 фоизи “Ҳа”, 5,6 фоизи “Йўқ”, 20,2 фоизи “Ҳар хил ҳолатда турлича”, 1,2 фоизи “Жавоб бериш мушкул” деган иккиланувчи жавобни беришган.

1-жадвалдан кўринадики, жами респондентларнинг аксарият қисми илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланишни истайди. Бу ижобий кўрсаткич. Лекин, ишонч билан “Йўқ” деб жавоб берган респондентларнинг борлиги олий таълимда талабаларни илмий тадқиқот фаолиятига йўналтиришда камчилик ва муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Келажакда илмий фаолият билан шуғулланишни режалаштириш нисбатда, деган саволга қуйидаги нисбатда жавоблар берилган.

2-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар талабаларнинг ярмидан кўп қисмини ўз келажакини илмий фаолият билан боғлашни мақсад қилиб қўйганлигини кўрсатади. “Илмий фаолият билан шуғулланиш билан” деб жавоб берган 26,3 фоиз респондентларнинг 95 фоизи магистратура босқичи талабаларини ташкил этади. Қолган 5 фоиз бакалавриат босқичига тўғри келади. Бироқ, илмий фаолият билан шуғулланмасликка қарор қилган талабаларнинг (2,5 фоиз) мавжудлигини ҳам эътибордан қочирмаслик керак.

ОТМда ўқув жараёнининг тўғри ташкил қилинганлиги талабаларнинг келажакда илмий тадқиқот билан шуғулланишни мақсад сифатида белгилашларига ижобий таъсир кўрсатганлиги қуйидаги жавобларда акс этган.

“Сизнингча, талабаларда илмий тадқиқот фаолиятига қизиқишнинг пайдо бўлишига энг кучли таъсир қилувчи омил нима?” дейилган саволга респондентларнинг 32,6 фоизи “ОТМда ўқув жараёнининг тўғри ташкил қилинганлиги”, 27,6 фоизи “Профессор-ўқитувчилар томонидан фаннинг яхши тушунтирилиши”, 21,8 фоизи “Илм орқали ҳаётий мақсадларга етишиш мумкинлигининг

<sup>1</sup> Сўровнома мазмуни билан <https://forms.gle/CtzhkNХрHDjaНWk3A> линкида танишиш мумкин.

**3-жадвал. Респондентларнинг “Сизнингча, талабаларда илмий тадқиқот фаолиятига қизиқишнинг пайдо бўлишига энг кучли таъсир қилувчи омил нима?” деган саволга жавоблари**

№	Жавоблар	Фоизда	Рақамда
1	ОТМ да ўқув жараёнининг тўғри ташкил қилинганлиги (юқори техник таъминот, кучли илмий салоҳиятга эга профессор-ўқитувчилар ва ҳоказо)	32,6	157
2	Профессор-ўқитувчи томонидан фаннинг яхши тушунтирилиши	27,6	133
3	Илм орқали ҳаётини мақсадларга етишиш мумкинлигини шахсий намуналар орқали тушунтирилиши	21,8	105
4	Талабаларда илмий идеалнинг пайдо бўлиши	6,8	33
5	ОТМдаги ижобий илмий-маърифий муҳит	6,4	31
6	Жавоб бериш мушкул	4,4	21

**4-жадвал. Респондентларга берилган “Инновацион Ривожланиш Вазирлигининг Ёшлар Академияси фаолияти билан танишмисиз?” деган саволга жавоблари**

№	Жавоблар	Фоизда	Рақамда
1	Ҳа, Академия аъзосиман	4	19
2	Ҳа, бу ҳақида ижтимоий тармоқларда ўқиганман	39,8	191
3	Йўқ, илгари эшитмаганман	53,3	270

шахсий намуналар асосида тушунтирилиши”, 6,4 фоизи “ОТМдаги ижобий илмий-маърифий муҳит”, 6,8 фоизи “Талабаларда илмий идеалнинг пайдо бўлиши”, 21 нафар респондентни ташкил қилувчилар (4,4 фоиз) жавоб бериш мушкул вариантыни белгилашган.

Навбатдаги саволда талаба ёшларимизнинг республикамизда илмий-инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилган Ёшлар Академияси фаолиятдан хабардорлиги сўралган.

Респондентларга берилган “Инновацион Ривожланиш Вазирлигининг Ёшлар Академияси фаолияти билан танишмисиз?” деган саволга талабалар юқоридаги нисбатда жавоб беришган. Таъкидлаш лозимки, натижалар яхши эмас. Чунки 480 нафар талабанинг атиги 19 нафари Ёшлар Академиясига аъзо эканлигини, 270 нафар респондент бу ҳақда умуман эшитмаганлигини тасдиқлаган. Бу ҳолат маълум маънода Инновацион Ривожланиш Вазирлиги Ёшлар Академияси фаолиятининг талабалар орасида етарлича аҳамиятга эга эмаслигидан далолат беради.

5-жадвалда “Шу кунгача қандай илмий ишлар нашр эттиргансиз?” деган саволга берилган жавоблар акс этган. 480 нафар респондентдан 260 нафари ҳеч қандай илмий ишлар нашр эттирмаган. Агар респондентларнинг аксарият қисми бакалаврият босқичи талабалари эканлигини ҳисобга олсак бу кўрсаткични қониқарли деб баҳолаш мумкин. Лекин айнан олганда 54,2 фоиз - танқидий ҳолат. Демак, фанни ўзлаштириш жараёнида талабаларни кичик илмий ишлар ёзишга йўналтириш лозим. Ушбу жадвалдаги кўрсаткичлар нисба-

тини ҳисоблашда респондентларнинг бир нечта жавоб вариантларини белгиланганликларини эътиборга олиш лозим. Чунки битта респондентнинг чоп эттирган илмий ишлари таркибида ҳам конференция мақоласи, ҳам ОАК журнали мақоласи ва бошқалар бўлиши мумкин (бу кўрсаткичлар кейинги таҳлилларда акс эттирилади).

6-жадвал “Сиз илмий иш ёзишда қуйидаги электрон платформаларнинг қайси бирларидан фойдаланасиз?” деган саволга берилган жавоблар акс эттирилган. 45,7 фоиз респондентлар [www.ziyo.uz](http://www.ziyo.uz), 29,8 фоиз талабалар [www.lex.uz](http://www.lex.uz) миллий сайтларидан фойдаланишларини тасдиқлаган. Бироқ хорижий нуфузли илмий базалардан фойдаланиш кўрсаткичлари паст, хусусан Web of Science маълумотлар базасининг [www.publons.com](http://www.publons.com) хизматларидан бор йўғи 8 нафар респондент фойдаланади. Қолаверса, 135 нафар респондент (28,1 фоиз) келтирилган сайтларга умуман мурожаат қилмаганлигини тасдиқлаган. Савол туғилади – талабаларга ўқув жараёни давомида шу каби электрон илмий нашрлар, базалардан фойдаланиш ҳар тарафлама қулай ва фойдали эканлиги, қолаверса, давр талаби эканлигини профессор-ўқитувчилар машғулотларда айтиб ўтганмикан? Бу саволга жавоб бериш учун профессор-ўқитувчиларга ҳам шу савол билан мурожаат этиш лозим.

Умуман олганда, ўтказилган эмпирик тадқиқотдан тизимда ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор муаммолар борлиги маълум бўлди. Уларнинг энг асосийларини келтириб ўтаемиз:

– респондентларда илмий-тадқиқот билан шуғулланишга истак бору, бироқ илмий-тадқиқот

**5-жадвал. Респондентларнинг “Шу кунгача қандай илмий ишлар нашр эттиргансиз?” деган саволга жавоблари**

№	Жавоблар	Фоизда	Рақамда
1	Конференция мақоласи	32,3	155
2	Электрон журнал мақоласи	19,4	93
3	ОАК журнали мақоласи	14,4	69
4	Scopus ва Web of Science журналлари мақоласи	6,7	32
5	Рисола	6	30
6	Монография	3,8	18
7	Илмий иш нашр эттирмаганман	54,2	260

**6-жадвал. Респондентларнинг “Сиз илмий иш ёзишда қуйидаги электрон платформаларнинг қайси бирларидан фойдаланасиз?” деган саволга жавоблари**

№	Жавоблар	Фоизда	Рақамда
1	www.natlib.uz	10	48
2	www.lex.uz	29,8	143
3	www.scholar.google.com	27,7	133
4	www.dissercat.com	11	53
5	www.cyberleninka.ru	6,5	31
6	www.scopus.com	12,1	58
7	www.elibrary.ru	13,1	63
8	www.koob.ru	4,2	20
9	www.publons.com	1,7	8
10	www.researchgate.net	4,8	23
11	www.ziyo.uz	49,7	237
12	Келтирилган сайтларга мурожаат қилмаганман	28,1	135

мазмунни, унга қўйиладиган талаблар ҳақида етарли билим ва тасаввур йўқ;

- рус ва бошқа чет тиллардаги илмий манбалардан фойдаланиш даражаси паст;

- ўқув жараёнида профессор-ўқитувчиларнинг талабаларни илмий-тадқиқот фаолиятига йўналтириши қониқарсиз;

- электрон илмий базалар ва ижтимоий тармоқларни фарқлай олмайдиган талабалар бор;

- талабаларнинг аксарияти иқтисодий жиҳатдан мустақил эмас;

- аксарият жавобларда умидсизлик кайфияти, мотивациянинг етишмаслиги кузатилди;

- ўқув жараёнига етарли илмий салоҳиятга эга бўлмаган профессор-ўқитувчиларнинг жалб қилинганлиги ва ҳоказо.

**Хулосалар.** Умуман олганда, талабаларни илмий тадқиқотга йўналтириш олий таълимнинг асосий вазифаларидан биридир. Афсуски, таълим соҳасидаги дунёнинг илғор тажрибаларини миллий таълим тизимига татбиқ этишдаги сусткашликлар олий таълим битирувчиларининг юқори малакали кадр бўлишига тўсқинлик қилмоқда. Республикада таълим ҳужжатлари талаб даражасида расмийлаштирилган, бироқ уларни амали-

ётга қўллаш механизмлари етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

Агар, олий таълимда ўқув жараёнини ташкил этиш тўғри йўлга қўйилса, маънавий-маърифий муҳит ҳам, таълим сифати ҳам, битирувчилар малакаси ҳам юқори бўлади.

Шу боис, биз, аввало, ушбу мақолада олий таълимда таҳсил олувчи барча талабаларни “тадқиқотчи – талаба” бўлишга чорлаймиз. Чунки, шахсдаги тадқиқотчилик кўникмаси йўқдан бор қилишга, борини мукамал қилиб ривожлантиришга сабаб бўлади. Қолаверса, илмий тадқиқот билан шуғулланиш талабада ўзини-ўзи англаш, ривожланиш ва тарбиялаш имкониятларини оширади.

Олиб борилган изланишлар, ўрганилган эмпирик далилларга асосланиб олий таълим муассасалари фаолиятида қуйидагиларга эътибор қаратишни **таклиф** қиламиз:

- бакалавриятнинг 1-курсдан илмий-тадқиқот фаолияти ҳақида талабаларга етарлича тушунча бериш, лозим бўлса, олий таълимда илмий фаолиятни ташкил этиш ва олиб бориш бўйича керакли соатларни ўқув режасига ёки мураббийлик соатлари режасига киритиш;

- илмий тадқиқот фаолиятини мунтазам қўллаб-қувватлаш, изланиш олиб боришга ҳар тарафлама мотивация бериш;
- чет тиллари, хусусан, рус тилини билиш малакаларини ривожлантириш;
- ўқув жараёнига flipped classroom, blended learning каби моделларни татбиқ қилиш механизмларини тўлиқ ишлаб чиқиш;
- илмий тадқиқот олиб бориш учун ОТМларнинг моддий-техник имкониятларини ошириш (бу имкониятларни профессор-ўқитувчилар жамоасининг грантлар ютиб олиши ҳисобига ҳам амалга ошириш мумкин);
- ОТМлар негизда талабаларнинг моли-явий имкониятларини яхшилаш, иқтисодий мустақилликка эришишларига сабаб бўладиган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш корхоналарини очиш;
- талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ҳар тарафлама қўллаб қувватлаш мақсадида давлат грантларига маош бериладиган аъзо сифатида ишга қабул қилиш ва ҳоказо.

### Адабиётлар рўйхати:

1. <https://lex.uz/docs/4545884> Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида ПФ-5847-сон 08.10.2019
2. [https://www.researchgate.net/publication/347928978\\_TA'LIM\\_FAN\\_VA\\_INNOVATSIYA](https://www.researchgate.net/publication/347928978_TA'LIM_FAN_VA_INNOVATSIYA) Аллаярлова С. Талабаларнинг илмий тадқиқот фаолиятига таъсир этувчи омиллар. Таълим, фан ва инновация. 2020 йил №4сон,-11-15 б. [accessed Mar 14 2021].
3. Джураев Р. Формирование умений исследовательской деятельности у будущих магистров // Гармонично развитое поколение – условие стабильного развития Республики Узбекистан/ Сборник научно-методических статей. УзНИИПН. 2017. Часть 17.
4. Пружинин Б.И. Прогностические функции педагогического исследования: философско-методологический анализ // Вопросы философии. 2018. № 6. [http://vphil.ru/index.php?option=com\\_content&task=view&id=1975](http://vphil.ru/index.php?option=com_content&task=view&id=1975)
5. Lamanauskas, V. (2012). Development of scientific research activity as the basic component of science education. *Journal of Baltic Science Education*, 11 (3), 200-202.
6. Vincentas Lamanauskas and Dalia Augienė / *Procedia - Social and Behavioral Sciences* 167 ( 2015 ) 131 – 140.
7. Педагогик атамалар луғати. – Т.: Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИ, 2017.
8. Педагогическое исследование: содержание и представление результатов / Е.В. Яковлев, Н.О. Яковлева. – Челябинск.: Изд-во РБИУ, 2010. – С.5.
9. Healey, M. (2005). Linking research and teaching to benefit student learning. *Journal of Geography in Higher Education*, 29 (2), 183-201.
10. Ibrahim, M.M., Nat, M. Blended learning motivation model for instructors in higher education institutions. *Int J Educ Technol High Educ* 16, 12 (2019). <https://doi.org/10.1186/s41239-019-0145-2>
11. Al-Busaidi, K. A. (2013). An empirical investigation is linking learners' applying of blended learning to their intention of full e-learning. *Behaviour & Information Technology*, 32(11), 1168–1176.
12. Shermuhamedova, N. (2008, January). Научный поиск как творческий процесс. In *Proceedings of the XXII World Congress of Philosophy* (Vol. 53, pp. 367-375).
13. Андреев В.И. Педагогика высшей школы. Инновационно прогностический курс. [https://kpfu.ru/docs/F652026679/Andreev.V.I..Pedagogika.VSh.\\_redaktorskaya.versiya\\_.pdf](https://kpfu.ru/docs/F652026679/Andreev.V.I..Pedagogika.VSh._redaktorskaya.versiya_.pdf)
14. V. Z. Vanduhe, M. Nat and H. F. Hasan, «Continuance Intentions to Use Gamification for Training in Higher Education: Integrating the Technology Acceptance Model (TAM), Social Motivation, and Task Technology Fit (TTF),» in *IEEE Access*, vol. 8, pp. 21473-21484, 2020, doi: 10.1109/ACCESS.2020.2966179.